

# **ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИГА САМАРАЛИ УСУЛ СИФАТИДА**

*Шермухамедов Рахматулла Садикович*

*Тошкент вилояти ЧДПИ доценти*

*Абдуллаева Муборак*

*Тошкент вилояти ЧДПИ ўқитувчиси*

**Аннотация:** мақолада ўқув фаолиятинининг сифатини ошириши учун таълим кластерини ишлатишни усуллари кўриб чиқилган. Кластерли ёндошган ҳолда узлуксиз таълим сифатини ошириши омиллари ва муаммолари кўриб чиқилган.

**Калим сўзлар:** кластер, педагогика, таълим, сифат кўрсаткичлари, инновация, таълим кластери.

## **INNOVATIVE EDUCATION CLUSTER AS AN EFFECTIVE APPROACH TO EDUCATIONAL ACTIVITY**

*Shermukhamedov Rakhmatulla Sadikovich*

*Associate Professor of CSPI Tashkent region*

*Abdullaeva Muborak*

*Teacher of CSPI Tashkent region*

**Abstract:** The article discusses ways to use the education cluster to improve the quality of learning activities. Factors and challenges of improving the quality of continuing education in a cluster approach are discussed.

**Keywords:** cluster, pedagogy, education, quality indicators, innovation, education cluster.

Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалда татбиқ этилишида таълим олувчилик ва таълим берувчилик ўртасида ўзаро мақсадни амалга оширишни такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Мазкур зарурат асосида эса таълимда соғлом рақобатбардошликтини амалга ошириш механизмини яратиш

мақсади туради. Бу эса замонавий таълимда инновация жараёнлари характерланиб янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларни касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббуслари ва иштирокчиларнинг инновацион фаолиятининг хусусиятлари билан белгиланади. Инновацион фаолиятда энг мухим масалалардан бири ўқитувчи ишидир. Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга ошиши лозим;

1. Янгиликларни идроқ қилишга тайёргарлик;
2. Янгича харакат қилишга ўргатиш;


Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни тизимлаштириб бошқариш алоҳида аҳамиятга эга. Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий мактаб ўқув жараёнини замонавий педагогика ҳамда педагогика фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Хозирги жамиятда, маданият ва таълим тараққиёти шароитида педагог инновацион таълим кластерини фаолиятга бўлган зарурияти қўйидагилар билан ўлчанади:

1. Ижтимоий-педагогик янгиланган таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясини тубдан янгилашни талаб қиласи, янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишлардан иборат бўлади;
2. Таълим мазмунини инсонпаварлаштириш, доимо ўқитишнинг янги танқидий шаклларини, технологияларини қидиришни тақозо қиласи;
3. Педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни тадбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг ҳарактери ва ўзгариши.
4. Олий мактаб ва умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида ўзаро хамкорликни ташкил этиш билан бир қаторда олий мактабнинг йўналишлари бўйича мактаб лабораторияларини ташкил этиш;(1-б) кластер схемаси)

А) мактаб лабораториясими худуд бўйича маҳоратли мактабни танлаб олиш;

Б) мактаб лабораторияси худудий марказига барча ҳалқ таълим бўлимларига қарашли маҳоратли мактабларини хамкорликка ўрнатиш;



### 1-б) кластер схемаси.

4. Педагогик тизимни такомиллаштириш йўллари **интенсив** ва **экстенсив**

**Интенсив йўл** – педагогик тизимни ривожлантиришнинг ички имкониятларини ишга солиш ҳисобига амалга оширилади.

**Экстенсив йўл** – педагогик тизимни ривожлантиришнинг қўшимча кучлари (инвестициялар) – янги воситалар, жихозлар, технологиялар, молиялаштириш, капитал таъминот асосида амалга оширилади.

Ўқув тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг асосий йўлларидан – ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш, либерализация этишни инновацион ҳолати деб қаралади.

Дарсни инсонпарварлаштириш:  
Умумий ўрта таълим мактаблари билан ўзаро хамкорлик;  
Талабага ғамхўрлик кўрсатиш;  
Эъзозлаш;  
Кечиримли бўлиш;  
Ўзини – ўзи ривожлантиришга муҳит яратиш;  
Психологик соғлом муҳит яратиш;  
Ижодий муҳит;  
Дўстона муносабатда иш юритиш;  
Талаба эҳтиёжи, қизиқиши, шахсий фазилати, иқтидорини ишга солиш кабилар.

Таълим инновациялари муаммоларини ҳал этишда ўқитувчининг ижодий фаолияти ҳақидаги масала ҳозирги вақтда энг долзарб бўлиб қолмоқда. Педагогик жараёнда ўзининг янги ғояларини ишлаб чиқиш қобилиятини доимо ривожлантирадиган ва такомиллаштирадиган ўқитувчигина иқтидорли ҳисобланади. Новаторлик, инновацион фаолиятнинг олий қўриниши сифатида, педагог шахсига жуда кучли талаблар қўяди:

- руҳий барқарорлик, босиқлик;
- мавжуд ижтимоий меъёрларни қабул қила олиш;
- софдиллик, виждонлилик, маънавий етуклик;
- касбий маҳорат, билимдонлик;
- ўз кучига ишонч, таваккалчилик;
- қизиқувчанлик, ҳур фикрлилик;
- тафаккурнинг эгилувчанлиги ва бошқалар.

Ўқитувчининг педагоглик маҳорати анъанавий ўқитиш усулларини доимий такомиллаштириш, уларга янгича ёндашиб, ноанъанавий усуллардан ҳам дадил фойдаланишда намоён бўлади.

Таълим жараёнида ўқитишнинг фаол усулларини мақсадли қўллаш, муаммоли вазиятлар яратиш, мунозара, «брейншторминг» («тафаккур

бўрони», «аклий хужум» деб ҳам аталади), тренинглар ўтказиш талабаларнинг билим олишга қизиқишини оширади, изланишга, мустақил фикрлашга ўргатади.

## **Фойдаланилган адабиётлар:** **(REFERENCES)**

1. Ш.М.Мирзиёев “Эркин ва фаровон демократик озбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз” ТОШКЕНТ - «ЎЗБЕКИСТОН» - 2016
2. Ш.М.Мирзиёев”Танқидий тахлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” Тошкент: “Ўзбекистон”-2017й
3. Muhamedov G.I Hamkorlik pedagogikasi va amaliyoti WWW, pedagog. O’z., 2006.
4. Kamoldinov M, Vaxobjonov B, Innovatsion pedagogik texnologiya asoslari. T.: Talqin. 2010 у. 128- bet
5. Искандаров И, Ҳайдаров М “Ўзбек педагогикаси антологияси” Ўқитувчи НМИУ-2010й
6. Гулбаев, Н. А., Кудратиллоев, Н. А. (2020). Состояние проблем управления систем с рассредоточенными объектами (на примере электрических сетей). Science and World, 6(82), 29-32.
7. Гулбаев, Н. А., Кудратиллоев, Н. А. (2020). Моделирование и управление территориально-распределенными системами. Science and World, 6(82), 25-28.
8. Гулбаев, Н. А., Кудратиллоев, Н. А. (2020). Модели упорядочивания структур управления систем с рассредоточенными объектами. Евразийский Союз Ученых (ЕСУ), 6(75), 46-48.
9. Ахмедов, Б. А., Шайхисламов, Н., Мадалимов, Т., Махмудов, К. (2021). Smart технологияси ва ундан таълимда тизимида кластерли фойдаланиш имкониятлари. Scientific progress, 1(3), 102-112.